



Богдоднинг кулаши

Муаллиф: Мухаммад Султанов

Халифа Ал-Мутасим Биллох Богдоднинг сўнги кунларида

Богдодга йўл

4-кисм

Ўша даврда шаҳар ва бутун халифаликнинг ҳукмдори Аббосийларнинг ўттиз еттинчи ва сўнги халифаси Ал-Мутасим Биллох бўлган. У нафакат бутун ислом оламининг энг қудратли ҳукмдори, балки мусулмонларнинг рухий ва манавий етакчиси ҳам эди. “Тарих ал-Хулафа” (муаллиф Жалоллидин ас-Суютий) ва “Ал-Бидоя ва ан-нихоя” (муаллиф Ибн Касир) биографик китобларида халифа ҳукмдорликка лойик ва адолатли деб таърифланган. Ҳақиқатдан ҳам, халифа яхши инсон эди, аммо ҳеч қайси ҳукмдор қилиши керак бўлмаган хатога йўл қўйган. Халифа давлат бошқарувини қўлдан чиқариб, халифаликнинг устидан назоратни йўқотган эди. Бундан келиб чиқадики, энг керакли вақтда халифа бундай қудратли душманга қарши мусулмонларни бирлаштира олмади. Умнатларимизни бу фалокатдан саклаб қолиш учун халифа томонидан нафакат диний маросимларни бажариш, камбағалларга меҳр кўрсатиш ва хоказо ишларни амалга ошириш, балки давлатни ва қуроли кучларни заифлаштирадиганлар билан қурашиш ҳам лозим эди. Афсуски, вақт бой берилганди. Халифа бутун Богдоддан Мағрибгача халифаликнинг ҳимояси учун бир тану бир жон бўлиб бош қўтаради ва Богдодни босқинчиларнинг қўлига бериб қўйишмайди деб ўйлаган эди, лекин у адашганди.

Богдоднинг сўнги кунларида давлат бошқарув органлари

Давлат аппарати армия каби жуда заиф ва қучсиз эди. Бошқарув устида турган амалдорлар вазир ёки амирларнинг сояси каби эди. Уларнинг ўз бойлигини, обрўсини ва қудратини оширишдан бошқа мақсадлари бўлмаган. Уларни давлатнинг ривожланиши қизиқтирмас, ўзаро мансаб, ер, уй, хаттоки қанизак учун ҳам қурашишар эди. Бу бир ишга арзимас инсонлартепасида ўз юрти ва умматини душманга сотган бош вазир турган. Бу вазир ва амирлар аппарати душман устига эмас, аксинча мусулмон умматининг бошига қўтарилган қилич бўлиб, улар ўз халқига нисбатан шу қадар ёмон йўл тутишган эдики, хатто, энг қаттиққўл инсон ўзи қўлига бундай қилмасди.

Богдоднинг сўнги кунларида халқнинг ахволи

Қўриқиб турибдики, ўша даврда халқнинг ахволига ҳавас қилиб бўлмас эди. Аммо

бошқарув табакаси богдодликлар билан ҳисоблашмаслигига қарамай, халифа томонидан улоарга жабр-ситамаклар етказилмаган. Ўша даврда Богдод аҳолиси, кишлоқда яшайдиганларни кўшмаганда, 3 миллион кишидан иборат бўлиб, аҳоли сони бўйича дунёдаги энг катта шаҳар ҳисобланган. Богдод аҳолиси халифаликнинг улкан пойтахтида мухташам, ҳар томонлама қулай, тинч ва осойишта ҳаётга ўрганиб қолишган эди. Уларнинг ҳеч қайсисини шаҳарда юзага келган аҳвол ёки унинг атрофидаги ҳаёт қизиқтирмас эди. Қим динга яқин юрса, диний билимларни эгаллаш, намозларга бориш, Қуръон ўқиш билан чеқланиб Аллоҳ Таоло олдидаги бошқа бурчларини унутиб қўйишган. Динга яқин бўлмаганлар эса, булар кўпчиликини ташкил қилар, ўз роҳатлари учун яшашарди: хилма-хил таомлар тановул қилар, чиройли либослар кийишар, кўплаб хизматкорлар тутишар, ҳашаматли саройларда яшаб, гўзал боғларда дам олишар эди. Қори ва илми инсонлардан узоклашган Богдод аҳли тақикланган мусикаларни тинглар, улардан кўплари ҳамр истеъмол қилар, бировнинг мулкини ўғирлашар, Аллоҳнинг заиф бандаларига жабр етказишар эди. Бундан ташқари, қирқ йил давомида улар Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон, Озарбайжон ва бошқа мусулмон ўлкаларида юз берган ҳодисалардан хабари бўлса-да, мусулмонлар мўғуллар томонидан қандай ёмон аҳволга солинаётганларини билиб туриб ҳам, бунга эътибор беришмаган. Богдодда буни билишар, аммо ҳеч қандай мададга отланишмаган эди. Улар кўшнисининг уйи ёнаётганини кўриб, менинг уйимга ўтмайди деб оддий бир ёғоч деворга ишониб ўтирган одам қаби эдилар. Яъники, бундай инсонлар, шу қаби вазирларга лойик эди, мўғуллар босқини эса улар учун Аллоҳнинг жазосига ўхшарди. Мусулмон оға-иниларига беъэтиборлиги учун жазо вақти тез орада етиб келди. Мўғулларнинг улкан қўшини ва уларга қўшилган мусулмон ҳарбий гуруҳлари Богдоднинг дарвозаси тагида туришар эди. Ўша кунгача Богдод ўзини лоқайдлиги билан мўғулларга мусулмонларга қарши ёрдам берган бўлиб, энди ўша мусулмонлар мўғулларга ёрдам берар эди. Бу Аллоҳ таоло томонидан мусулмонлар учун бўлган улкан синов бўлиб, бу ҳақида бир масал ҳам етиб келган: “Бир қуни Хулагонинг қизи Богдодни (қулаганидан сўнг) айланиб юрганида, бир гуруҳ одамларни бир қимса атрофида тўпланиб олганини кўриб қолибди. Ўша инсон ҳақида сўраган экан, бу мусулмон олими дейишибди. Шунда у олимни олдига олиб келишларини буюрибди. Олим маликанинг олдида келганида, малика:

– Сизлар Аллоҳга ишонасизларми?, – деб сўрабди.

–Ҳа.

– Сизлар Аллоҳ ўзи хоҳлаган, истаганига ёрдам беришига ишонасизларми?

– Ҳа.

– Ахир, Аллох сизларнинг устингларида галаба козонишимизга ёрдам берди-ку?

– Ха.

– Демак, бу биз Аллох учун сизлардан кўра суюклирок эканмизни билдирадими?

– Йўк.

– Нимага?

– Сиз чўпон кимлигини биласизми?

– Биламан.

– Пода олдида итлар ҳам бўладими?

– Бўлади.

– Агар кўйлар чўпонга бўйсунмай кўйса, чўпон нима килади?

– Ўша кўйларга итларини юбориб, яна кайтарибўзига бўйсундиради.

Богдоднинг кулаши - Богдодга йўл (4-кисм)

Муаллиф:

30.11.2017 11:36 -

– Ўша итлар қачонгача қўйларни қувишади?

– Қўйлар қайтмагунича.

– Демак, сизлар ҳам Аллохнинг ердаги итлари бўлиб, биз мусулмонлар Аллох йўлига қайтмагунимизча, Унга бўйсунмагунимизча ортимизда турасизлар, Аллох Буюк ва Қудратлидир.

Барчаси айтилгандек бўлди, тез орада мусулмонлар Аллохнинг йўлига қайтишди ва мўғуллар биринчи бор Айн-Жалут яқинидаги жангда тор-мор этилди.

Санжар Кобил таржимаси